

## Бағрикенглик



08:00 / 07.07.2019 1619

Саъид ибн Салм йўлда кетаётган эди, олдига бир қария келиб, ҳамроҳ бўлди ва аҳволидан шикоят қила бошлади. Иккови ёнма-ён кетаётганда қария ҳассасининг учи билан Саъиднинг оёғини бир неча марта босиб олди. Саъиднинг оёғи қонади, лекин буни сездирмади, ҳатто инграб ҳам қўймади. Қария кетгач, Саъиддан сўрашди:

- Қандай қилиб бунга сабр қилиб турдинг?
- Қилган айбини билиб қолса, ҳожатини айтмай қоладими деб, чидаб турдим.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**